

# IJORCES

**INTERNATIONAL JOURNAL  
OF CONFERENCE SERIES ON EDUCATION  
AND SOCIAL SCIENCES.**

**PUBLISHER: ÇORUM: O CERINT -INTERNATIONAL  
ORGANIZATION CENTER OF ACADEMIC RESEARCH**

# IJORCES

**International journal of conference series on education  
and social sciences. (Online)**

**January 2024**

Science Editor: **Cetin Avcı**  
(*Kadir Has University*)

Copyright © 2024

By Çorum: Ocerint -International Organization Center of Academic Research

All rights reserved.

Available at [ijorces.org](http://ijorces.org)

Published:

Çorum: Ocerint -International Organization Center of Academic Research

ISSN 2717-7076

Bursa

Bursa, Turkey

# Editorial Board Members

Prof. **Hakan Mete Dogan**, Tokat Gaziosmanpasha University, Turkey

Prof. **Afsun Sujayev**, Institute of Additive Chemistry of the ANAS, Azerbaijan

Prof. **Nadir Mammadli**, Azerbaijan Architecture and Construction University, Azerbaijan

Prof. **Munevver Sokmen**, Konya Food and Agriculture University, Turkey

ELSEVIER



SSRN  
Electronic Journals

Universal  
Impact Factor



## ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ СОҲАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: КЇЁСИЙ ТАҲЛИЛ

Абдуллаев Улуғбек Равшанбекович

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси

*Аннотация: Мазкур тезисда муаллиф томонидан бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларни инобатга олиб, электрон ҳукумат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи миллий қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш зарурати таҳлил қилиниб, хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда таклифлар ишлаб чиқилган.*

*Калит сўзлар: проактив давлат хизматлари, композит давлат хизматлари, сервис, рақамли хизмат, Электрон давлат хизматларининг ягона реестри.*

*Аннотация: В данном тезисе автор анализирует необходимость совершенствования национальных законодательных актов, регулирующих отношения в сфере электронного правительства, с учетом проводимых реформ, и вносит предложения, основанные на опыте зарубежных стран.*

*Ключевые слова: проактивные государственные услуги, композитные государственные услуги, сервис, цифровая услуга, Единый реестр электронных государственных услуг.*

*Abstract: In this thesis, the author analyzes the need to improve the national legal documents regulating relations in the field of electronic government, taking into account the reforms implemented today, and makes proposals based on the experience of foreign countries.*

*Keywords: proactive public services, composite public services, service, digital service, Unified register of electronic state services.*

Бугунги кунда бутун дунёда рақамлаштириш жараёнларининг жадаллашуви тенденцияси кечмоқда. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда ҳам ушбу жараёнларни инобатга олган ҳолда миллий қонунчилик ҳужжатларини халқаро тажриба асосида такомиллаштириш, янги механизм ва тушунчаларни қонунчилик ҳужжатларига имплементация қилиш зарурати вужудга келмоқда.

"Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонун (кейинги ўринларда - Қонун) мамлакатимизда электрон ҳукумат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Қонуннинг 2-моддасида ушбу Қонунда қўлланиладиган асосий тушунчаларга таъриф берилган. Шу билан бирга, Қонуннинг 18-моддасида электрон давлат хизматлари ахборот ва интерактив давлат хизматлари тарзида бўлиши мумкинлиги қайд этилган.

Бироқ, ушбу Қонунда "композит" давлат хизматлари "проактив" давлат хизматлари тушунчалари қайд этилмаган.

Ваҳоланки, миллий қонунчилик ҳужжатларида аллақачон ушбу турдаги давлат хизматлари қайд этилган бўлсада, лекин, уларнинг аниқ таърифи нафақат ушбу Қонунда, балки бошқа қонунчилик ҳужжатларида ҳам белгиланмаган.

Маълумот учун: Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 мартдаги 119-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган айрим тоифадаги шахсларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда "проактив шаклда нафақа тайинлаш" тушунчасига таъриф берилган.

Қозоғистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонунида



электрон тарзда кўрсатиладиган давлат хизматларини кўрсатилиш усулига кўра турлари белгилан бўлиб, бунда "проактив" ва "композит" давлат хизматлари ҳам назарда тутилган ва уларга таъриф берилган [1].

Молдова Республикасининг "Давлат хизматлари тўғрисида"ги Қонунида ҳам "проактив" давлат хизмати белгиланган [2].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги "Маъмурий ислохотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-76-сон Фармонида Ягона интерактив давлат хизматлари портали рақамли хизматлар ва сервислар кўрсатиш ҳамда уларнинг натижасини олишнинг ягона нуқтаси ҳисобланиши белгиланган.

Аммо, қонунчилик ҳужжатларида рақамли хизматлар ва сервислар тушунчасига таъриф мавжуд эмас.

Бу эса, ҳуқуқни қўллаш амалиётида тушунмовчиликлар юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, Қонуннинг 19-моддасида электрон давлат хизматлари Электрон давлат хизматларининг ягона реестрида рўйхатдан ўтказилиши кераклиги қайд этилган.

Аммо, бугунги кунга қадар электрон давлат хизматларининг ягона реестри мавжуд эмас.

Давлат хизматлари реестрини электрон шаклда юритилмаслиги унинг долзарблигини тезкорлик билан таъминлаш имконини бермайди ҳамда ортиқча бюрократик тартиботлардан ўтишга сабаб бўлади (масалан, ҳар бир давлат хизматини кўрсатувчи давлат органлари ва ташкилотларидан маълумот олиш ва уларни текшириш кабилар).

Хорижий давлатларда, жумладан Россия Федерациясида [3] ҳамда Озарбайжон Республикасида [4] давлат хизматларининг реестри электрон шаклда юритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги

"Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-113-сон Фармонига асосан шахсга доир маълумотларнинг конфиденциаллигини ва ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида 2022 йил 1 августдан бошлаб шахсга доир маълумотларни "Электрон ҳукумат" тизимидан фойдаланган ҳолда олишда давлат органлари томонидан шахсга доир маълумотлар "Электрон ҳукумат" тизими орқали сўраб олинганда шахсга доир маълумотлар субъектининг ЯИДХПдаги шахсий кабинети ёки Мобил-ІД тизими орқали идентификациядан ўтган мобил телефон рақамига бу ҳақида хабарнома юборилиши (бундан давлат сири ва қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш чекланган маълумотларни ўз ичига олган ҳолатлар мустасно); хўжалик бирлашмалари, давлат ташкилотлари ва муассасалари, "Электрон ҳукумат" тизимидан фойдаланишга рухсат берилган нодавлат ташкилотлар томонидан ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишда шахсга доир маълумотлар унинг субъекти розилиги билан "Электрон ҳукумат" тизими орқали тақдим этилиши, бунда, маълумотлар тегишли ташкилотга шахсга доир маълумотлар субъектининг ЯИДХПдаги шахсий кабинети ёки Мобил-ІД тизими орқали идентификациядан ўтган мобил телефон рақамидан тасдиқ олингандан сўнг "Электрон ҳукумат" тизими орқали тақдим этилиши белгиланган.

Бироқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 сентябрдаги "Идоралараро электрон ҳамкорлик тизими ва маълумотларнинг ахборот алмашинувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 516-сон қарорида мазкур Фармон

талаблари инобатга олинмаган.

Бу ўз навбатида, шахсга доир маълумотларга ишлов беришда шахсга доир маълумотлар субъектнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш имконини бермайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, миллий қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича қуйидагилар таклиф этилади: биринчидан, "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонунга "рақамли" хизмат, "сервис", "проактив" хизмат ва "композит" хизмат каби янги тушунчаларни киритиш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш; иккинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 сентябрдаги 516-сон қарорига давлат органлари томонидан шахсга доир маълумотлар сўраб олинганда шахсга доир маълумотлар субъектига хабарнома юборилиши ҳамда нодавлат ташкилотлари томонидан шахсга доир маълумотларни олишда субъектнинг розилиги олиншини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш; учинчидан, давлат хизматларининг электрон реестрини юритиш тартибини тасдиқлаш ҳамда давлат хизматини кўрсатувчи давлат органлари ва ташкилотларга ўзига тегишли бўлган қисми бўйича электрон реестрни янгилаш ва долзарблигини таъминлаш мажбуриятини ва Адлия вазирлигига электрон реестрни юритиш устидан назоратни амалга оширишни юклаш. Шу билан бирга, электрон реестрни долзарблигини таъминламаганлик ва реестрга киритилмаган давлат хизматларини кўрсатганлик учун жавобгарликни белгилаш.

**Фойдаланилган интернет манбалари:**

1. [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=33885902;](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=33885902)
2. [https://www.legis.md/cautare/getResults?doc\\_id=129764&lang=ru;](https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=129764&lang=ru)
3. [https://frgu.gosuslugi.ru/RGU\\_WAR\\_2/RGU2Auth.html;](https://frgu.gosuslugi.ru/RGU_WAR_2/RGU2Auth.html)
4. [https://registry.e-gov.az/home/allservices.](https://registry.e-gov.az/home/allservices)